VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

17-18 (27) 2009 йил 6 май, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz



## Юксак эътибор ва эҳтиром

Кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, меҳр-оқибат, саховат кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу фазилатлардан биридир. Бу сифатлар ҳеч қачон аҳамияти ва қадрини йўқотмайди, балки авлоддан авлодга ўтиб, юксалиб бораверади. Бу анъана оила, мактаб, ўқув муассасаларидаги ёшлар таълим-тарбияси жараёнида давом этаверади.

➔ 3-бет



## Маънавий мерос

Мустақиллик берган катта имконият туфайли ҳаммамизга ўтмиш бағрига "яшириб қўйилган" маънавий меросимиздан баҳраманд бўлиш насиб этди. Харобага айланган обидаларимиз қайта тикланди ва ўзини дунёга намоён этмоқда.

➔ 5-бет

"АСРЛАР САДОСИ"



## «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 1-3 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида "Асрлар садоси" иккинчи анъанавий маданият фестивали ўтказилди.

➔ 8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
- БПТлар фаолиятини кучайтириш
- Инқирознинг давоси — соғлом иқтисодиёт

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
- Маънавиятли ёшлар — миллат келажаги
- Тарғибот кўлами кенгаймоқда

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
- Шартнома мажбурияти
- Ҳуқуқий асослар мустаҳкам

МАЪНАВИЯТ 5-бет
- Қўлимиздаги юлдузлар
- "Тузоқ"қа тушганлар қисмати
- Маданият янгиликлари

ТАЪЛИМ 6-бет
- Ёшлар ҳунар ўрганишаяпти
- Ўқувчиларга яратилган қулайлик

ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
- Одамлар тўлқини
- Дунёдан дараклар

ФАН ВА МАДАНИЯТ 8-бет
- Жаҳон аҳамиятига эга гербарий
- Турфа олам

ФРАКЦИЯ

# Оролбўйи минтақаларидаги муаммолар

### ушбу масала депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди







*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг қўшма кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Х.Дўстмуҳамедов олиб борди.*

**Сарвар ХУРРАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, фракция аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари, вилоят партия кенгаши раислари, депутатлик гуруҳларининг раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 28 апрелда Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқида Оролбўйи ҳудудини қамраб олаётган чўлнинг вужудга келиши ва унинг кенгайиб бориши натижасида зўрайиб бораётган экологик хавф жиддий тус олиб, мавжуд ҳудуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш даражаси ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги, энг ёмони, у фарзандларимиз генофондига хавф солаётганлиги ҳамда бу хавфнинг таъсири бугунги кунда нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар – Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилояти, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти, Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларини, балки бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб бораётганлигига алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда, минтақада янгидан қурилиши бошланаётган барча йирик гидроэнергетика иншоотлари бўйича мустақил экспертиза ўтказиш заруриятини асослаб берди.

Йиғилишда шу масала юзасидан билдирилган фикрларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва бу борада амалга ошириладиган ишлар билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

(Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

# Сиёсий жараёнлар

### унда партиянинг «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» фаол иштирок этяптими?

**Н.ҚОДИРОВ, ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари**

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши ва ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида "Сиёсий жараёнларда сиёсий партиялар "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти"нинг фаоллигини ошириш" мавзусида семенар-тренинг ўтказилди. Тадбирда ЎзМТДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари "Ёшлар қаноти" ҳамда "Аёллар қаноти" раҳбарлари ва фаоллари, ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази илмий ходимлари ва экспертлари, ОАВ вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққан маърузачилар истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда босқичма-босқич ва изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги ва бу жараёнларда аёллар ва ёшларнинг иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидладилар.

Семинарда иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, бўлажак сайловларда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти"нинг олдида турган вазифалар, ҳудудларда мазкур бўғинлар фаолиятини ташкил этишда мавжуд муаммолар, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдилар.

# Инқирознинг олдини олиш чоралари

### жойларда кенг ўрганилмоқда

**С.ХУРРАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

Дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган молиявий-иқтисодий инқироз долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ муаммолар, хусусан, глобал инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсирини камайтириш йўллари кўрсатилган Президентимизнинг **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** номли асари айни пайтда республикамиз бўйлаб кенг ўрганилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишларга барча ташкилотлар, жумладан сиёсий партиялар ҳам жиддий эътибор қаратмоқда.

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши томонидан ўтказилган йиғилишда Президентимиз китобидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди. Тадбирда шаҳар ва туман кенгашлари Ижроия қўмиталари раислари ва партиянинг "Ёшлар қаноти" фаоллари иштирок этишди.

- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга бўладиган таъсирининг камайиши Юртбошимизнинг жаҳон иқтисодиёти жараёнларини чуқур ва ўз вақтида таҳлил қилиши натижасида кўрган чора-тадбирлари самарасидир,- деди ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Раҳматуллаев. - Ушбу масала юзасидан келиб чиқадиган аниқ йўналиш ва вазифаларни тўлақонли бажарилишига бизнинг партия ҳам масъулдир.

Бўлиб ўтган баҳс-мунозараларда ЎзМТДП Наманган туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси У.Жалилов, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари Ж.Қаххаров, Ғ.Ҳайитовлар сўз олиб, жаҳон мамлакатлари молиявий инқирозга юз тутган бир пайтда ушбу китобни кенг оммага ўз вақтида тақдим қилиниши айни муддао бўлганлигини таъкидлашди. Шу билан бирга ЎзМТДП Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Уйчи туман кенгашлари Ижроия қўмитаси раислари ушбу китобда белгиланган вазифаларни иш режаларига киритиб, унинг моҳияти юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини янада кучайтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб олганларини таъкидлашди.

Тадбирда билдирилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиққан ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

ФАХР

# Ўзбек ўғлони халқаро танлов ғолиби



Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш юзасидан амалга оширилаётган кенг миқёсли ишлар ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармасининг "Келажак овози" Республика ёшлар мега-танловининг "Мусиқий санъат" номинацияси бўйича совриндори Беҳзод Абдураимов Англия пойтахти Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро пионинochилар танловида мутлоқ ғолибликни ва бош совринни қўлга киритди.

Бутун дунёдан йиғилган энг истеъдодли пиониночилар баҳсида 18 баҳорни қаршилаган ўзбек ўғлони Беҳзоджоннинг бош совринни қўлга киритиши ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр ва ғурур уйғотади. Беҳзод 1990 йил Тошкент шаҳрида туғилган. У мусиқа соҳасида дастлабки билимини Успенский номидаги лицейда олди. Ёш истеъдод соҳиби бир қатор халқаро фестивалларда иштирок этиб, совриндор бўлди. Ҳамюртимиз Европа классик мусиқасининг ватани ҳисобланган Италиянинг Агрополи шаҳрида 2003 йил ўтказилган "Ле Мьюз" халқаро фортепьияно танловида гран-прини қўлга киритиб халқаро мусиқа жамоатчилигининг назарига тушган эди. У шунингдек, Қозоғистонда ўтган "XXI аср мусиқачиси" халқаро фортепьияно танловида ҳамда халқаро "Леннокс — 2008" кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритган.




Ёш истеъдод соҳиби мамлакатимизда ўтказилаётган кўплаб танловларнинг ҳам иштирокчиси ҳамда совриндори ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ўтказган танловларда фаол иштирок этиб ғолибликни қўлга киритган.

Беҳзоднинг репертуаридан дунёнинг машҳур композиторлари Ф.Шопен, С.Рахманинов, П.Чайковский, И.Брамснинг асарлари ўрин олган. У пойтахтимиздаги "Истиқлол", "Туркистон" саройларида ҳамда Консерватория концерт залида бир қатор концертлар берган.

Беҳзоднинг Лондондаги муваффақияти давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ижод ва изланиш учун барча шароитларни яратиш борасида олиб бораётган сиёсатларининг маҳсулидир. Тошкентда, оддий оилада туғилиб, вояга етган ўзбек йигити истеъдоди олдида бутун дунёнинг тан бериши миллатимизнинг жуда катта салоҳиятга эга эканлигига яна бир далилдир.

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ФРАКЦИЯ

## Оролбўйи минтақаларидаги муаммолар

ушбу масала депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда)



Орол денгизи муаммосининг келиб чиқиши узоқ даврга бориб тақалсада, унинг хавфли тус олиши XX асрнинг 60-йилларида бошланди. Замонамиздаги йирик глобал экологик ҳалокатлардан бирига айланиб улгурган Орол денгизининг қуришига бир неча аниқ сабаблар мавжуд бўлиб, аҳоли сонининг ошиши, сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, янги ерларни ўзлаштириш ва суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш шулар жумласидандир.

Мутахассисларнинг текширув натижасига кўра, Орол денгизи сатҳининг пасайиши сўнгги 50 йил давомида 24 метрни ташкил қилган бўлса, акватория майдонининг камайиши қарийб тўрт баробарга ошди. Қуриб қолган майдони 4,3 миллион гектар бўлиб, айни пайтда бу жойлар қумли тузлар тарқатиш манбаига айланиб қолди. Чангли бўронлар таъсири 300 километрни ташкил этиб, ҳар йили атмосферага 75 миллион тоннагача чанг кўтарилади. Оролбўйида келиб чиқаётган муаммоларнинг ўта долзарблигини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, у дунё миқёсидаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик масалалар қаторидан ўрин олган.

Йиғилишда бу каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Тўланбой Каримов мавзуга атрофлича тўхталди.

- Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида Президентимиз Орол фожиаси ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар бевосита сув энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик ва сув мувозанатини сақлашга эҳтиёткорлик билан ёндашиш муаммолари билан боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтди.

- Дарҳақиқат, сўнгги йилларда қўшни давлатлардаги сув омборларини ирригацион режимдан энергетик режимга ўтганлиги маълум даражада сунъий сув танқислигини келтириб чиқармоқда, трансчегаравий сувлардан фойдаланишда эса қўшни республикалар билан айрим тушунмовчиликлар ва қийинчиликлар юзага келаётгани ҳам сир эмас.

Жорий йилнинг март ойида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ташкил этилганига 16 йил тўлган бўлса, бугун бу муаммога жаҳон жамоатчилиги, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳамда бир қатор халқаро институтлар эътибори жалб қилинмоқда.

Айтиш жоизки, БМТ Бош ассамблеясида 2008 йили Оролни қутқариш халқаро жамғармасига кузатувчи мақоми берилди. Бу жамғарманинг глобал миқёсда фаолият олиб боришига кенг имкон яратмоқда.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари кўрилган масалалар юзасидан ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

- Марказий Осиёда жойлашган мамлакатларда, жумладан Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосан суғориладиган ерларда олиб борилади, - деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Эркин Юсупов. - Сув ресурсларининг асосий истеъмолчиси регионда мавжуд сув ресурсларининг 90 фоизидан ортиғи деҳқончилик учун ишлатилади. Ўрта Осиё республикалари ҳудудида жами 117,7 км. куб сув истеъмол қилинса, шундан 11,4 км. куб ер ости, 6 км. куб қайтарма сувлар бўлиб, улардан 108,4 км. куб суғоришга, 9,3 км. куб саноат ва коммунал хўжаликларига ишлатилади. Мазкур сув ресурслари шаклланишининг асосий манбаи минтақамиздаги икки азим дарё – Амударё ва Сирдарё оқимларидаги табиий ва сунъий омиллар таъсири натижасида ўзгаришлар пайдо бўлиб, бу ўз навбатида сув таъминоти масалаларида турли муаммоларни келтириб чиқаради. Мазкур омиллар трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва тақсимлаш ишларида мамлакатлар ўз манфаатларини устун қўйиш тамойилидан воз кечиб, аксинча уларнинг уйғунлиги ва мувозанатини таъминлашга эришиш заруриятини белгилаб беради.

- Орол денгизи қуриб қолишининг олдини олиш ва минтақадаги экологик муаммолардан жабр кўраётган аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга Президентимиз ўз нутқида келтириб ўтган вазифаларни амалга ошириш билангина эришиш мумкин. Бу борада эса партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ҳам қўл қовуштириб ўтирмасдан жонкуярлик билан ҳаракат қилиши лозим, - деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ахтам Турсунов. - Аҳоли соғлигини яхшилаш учун соғломлаштириш пунктларини кўпайтириш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, одамларда сувни тежаш маданиятини шакллантириш ва шу йўл билан сув танқислигининг олдини олиш мумкинлигини тушунтириш зарур.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан ЎзМТДП фракцияси, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фракция йиғилишида ЎзМТДПнинг халқ депутатлари Бухоро, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳар кенгашидаги партия гуруҳларининг фаолияти юзасидан ахбороти тингланди. Депутатлик гуруҳларининг иш фаолияти танқидий таҳлил этилди. Бевосита жойларда фаолият олиб бораётган халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатларига ислоҳотларни изчил амалга ошириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш ва партия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан тавсиялар берилди.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

## БПТлар фаолиятини кучайтириш

ҳудудий партия ташкилотлари олдида турган асосий вазифа

**Дилноза ҲАЙИТОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

*ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси ўтган ойда партиянинг барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар кенгашларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** китобидан келиб чиқадиган йўл-йўриқларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари вазифалари, шунингдек, ЎзМТДП фаолиятини янада кучайтириш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари ишини жонлантириш ҳамда сайлов қонунчилигини тарғиб қилишга бағишланган ўқув-семинарлар ўтказди.*

Семинарларда ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари маърузалар билан чиқиш қилишди. Айнан ана шу семинарларда партиянинг ҳудудий ташкилотлари, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти ҳам кенг ва атрофлича таҳлил қилиниб, ижобий тажрибалар билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам муҳокама қилинди.

Бот-бот бошланғич партия ташкилотларини партиянинг бош таянчи дея тилга оламиз. Ҳақиқатдан улар ўз номи, кучи ва салоҳияти жиҳатидан мана шу мақомга эга.

Айни пайтда ЎзМТДП таркибида 3239 та бошланғич партия ташкилоти иш олиб боради. Улар ўз сафига 103 минг 400 нафар аъзони бирлаштирган. Мазкур БПТлар фаолиятида аъзолар сонини ошириб бориш, таъсирчан ва самарали тадбирлар ўтказиш, аъзолик бадалларини йиғиш масалаларида ишларни тўғри ташкил қилган ва бошқаларга намуна бўладиганлари бисёр. Лекин, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, ўз иши ва масъулиятига панжа ортидан қарайдиган бошланғич партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг январь ойидан буён ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгашида БПТлар сони 215 тадан 218 тага, Хоразм вилоятида 418 тадан 473 тага, Навоий вилоятида 64 тадан 91 тага, Фарғона вилоятида 128 тадан 129 тага кўпайганини кўрсак-да, аксар вилоятларда эса бу рақамлар аксинча намоён бўлади. Ҳеч бир муболағасиз равшанки, айнан мана шу қуйи бўғинларда тарғибот-ташвиқот ишларининг кенг йўлга қўйилиши партия электорати ва хайрихоҳлари сони кўпайишида, жамиятдаги нуфузининг ошиб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Хўш, қуйи бўғинлар иш фаолиятида бу мезон қай даражада акс этмоқда? Улар ўз зиммаларидаги масъулиятни оқлаяптими? Кенг жамоатчилик ичига кира оляптими?

Афсуски, фаолияти юқоридаги талабларга жавоб бера олмайдиган БПТлар номини кетма-кет келтириш мумкин. Улар ҳатто ойлар давомида бирор бир ташаббус билан чиқмаган ёки самара берадиган амалий ишларга қўл урмаган ҳолатларга гувоҳ бўламиз.

Жумладан, семинарлар маълумотлари ва ишимиз тақозоси билан ҳудудлардаги бошланғич партия ташкилотлари билан боғланган чоғимизда уларнинг айримларининг етакчиси ёки аъзоларини ҳам топа олмаган пайтларимиз бўлган. Масалан: ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Нишон туман газ таъминот бўлимидаги, Муборак туман ер-кадастр бўлимидаги, ЎзМТДП Наманган вилоят Мингбулоқ туман кенгашига қарашли туман газлаштириш идорасидаги, Янгиқўрғон туман марказий касалхонасидаги, Учқўрғон туманидаги 37-, 29-мактаблардаги, ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашининг Оқолтин, Сардоба, Жиззах вилоятининг Жиззах, Зарбдор, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманларидаги айрим БПТ аъзолари иш олиб бориш тугул, ҳатто уларнинг баъзилари на ўз ташкилотларининг иш режасидан, на партиянинг фаолиятидан бехабарлигига гувоҳ бўлдик.

БПТлар сонини кўпайтириш, партия сафига сиёсий фаол фуқароларни жалб этиш, таъсирчан тадбирларни янада кучайтириш, ЎзМТДПнинг ижтимоий қатламини мустаҳкамлаш ва энг муҳими партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини кенг оммага тарғиб-ташвиқ қилиш ҳудудий ташкилотлари олдида турган муҳим вазифа эканлиги семинарларда алоҳида таъкидланиб, бу борада тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Буларнинг ижросини таъминлашга эса ҳар бир партия аъзоси масъул эканлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

МУНОСАБАТ

*Бутун дунёни таҳликада ушлаб турган молиявий иқтисодий инқироз соғлом фикрловчи бирор бир кишини бефарқ қолдирмаяпти.*

## Инқирознинг давоси – соғлом иқтисодиёт

- дейишмоқда ЎзМТДПдан халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашига сайланган депутатлар ва партия фаоллари

**Набижон СОБИРОВ, ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати**

- Мамлакатимиз истиқлолнинг илк даврларида қабул қилинган машҳур беш тамойилга асосланган бозор иқтисодиётига ўтиш модели нафақат ўзини оқлабгина қолмай, балки бугунги кунда дунёда рўй бераётган молиявий ва иқтисодий инқирознинг олдини олишга муҳим таянч, асосий восита бўлиб ҳам хизмат қиляпти, - дейди халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши депутати тадбиркор Хурсаной Исломова. - Ҳаётнинг ўзи Юртбошимиз томонидан танланган йўл нақадар тўғри эканлигини, пухта заминга асосланганлигини кўрсатиб турибди. Президентимизнинг **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** китоби бугунги кунда ҳар бир тадбиркор, ишбилармоннинг фаолиятини белгилаб берувчи асарга айланди.

*Маълумки, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсири биринчи навбатда меҳнат бозоридаги вазиятда бандлик муаммосини кескинлашувида кўзга ташланади. Айнан шу йўналишда вилоятда аниқ тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ҳар бир янги иш ўринларининг манзиллари, унга сарфланадиган маблағлар аниқ миқдори кўрсатиб ўтилганлиги ўз самарасини беряпти.*

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг мазкур асарлари вилоятдаги корхоналар, тадбиркорлар, ишбилармонлар учун иқтисодий, инқироз таъсиридан ҳимоялашда йўл-йўриқ кўрсатибгина қолмай, балки иқтисодиётни соғломлаштириш, уни янада ривожлантириш, маҳсулотларни рақобатбардошлигини ошириш борасидаги фаолиятлари учун ҳам шарт-шароит яратиб беряпти.

Маълумки, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсири биринчи навбатда меҳнат бозоридаги вазиятда бандлик муаммосини кескинлашувида кўзга ташланади. Айнан шу йўналишда вилоятда аниқ тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ҳар бир янги иш ўринларининг манзиллари, унга сарфланадиган маблағлар аниқ миқдори кўрсатиб ўтилганлиги ўз самарасини беряпти. Вилоятда иқтисодий инқироз ўз таъсирини кўрсатаётган даврда банклар томонидан ажратилган 100 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ҳисобига 9 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятнинг экспорт салоҳияти мамлакатимизда ўзига хос ўрин тутади. Жаҳон иқтисодий - инқирози биринчи навбатда экспортга йўналтирилган корхоналарга ўз таъсирини кўрсатяпти. Бу борада иқтисодиётнинг реал сектор тармоғида иш юритаётган корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш инвестицион жозибадорликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 та саноат корхоналарида маҳсулот таннархи 11 фоиздан 21 фоизгача камайтирилди. Фақат иқтисодий соғломлаштириш борасида амалга оширилган тадбир туфайли бу корхоналарда тайёрланаётган маҳсулот таннархини 53,3 млрд. сўмга камайтиришга эришилди. Шу билан бирга эскпортга ихтисослаштирилган 7та корхонанинг тижорат банкларидан бўлган кредит қарзлари 1 йилга кечиктирилди.

Шуниси эътиборга лойиқки, сўнгги 2 йил ичида банкрот деб эътироф этилган, аукцион савдоларига чиқарилиб сотилмай турилган 5та корхона тижорат банкларига берилмоқда. Бу эса ўз навбатида мазкур корхоналарда иш ўринларини сақлаб қолиш, қолаверса янги иш ўринлари яратишда ҳам муҳим босқич сифатида қаралъяпти. "Фарғона ип-газлама", "Буюк ипак йўли", "Фарғона сунъий чарм" акциядорлик жамиятлари 2 йил ичида инвестиция киритиш шарти билан ноль қийматида банкларга берилди. Энди тижорат банклари ички маблағлари ҳисобига бу корхоналарни оёққа турғазиб юборишларига шак-шубҳа йўқ.

Маълумки, Марғилон мамлакатимизда давлат томонидан бериладиган қарз-дотация ҳисобига яшайдиган шаҳарлардан бири ҳисобланади. Ўз-ўзидан молиявий ва иқтисодий инқирознинг таъсири айнан шу шаҳарда кўпроқ сезилиши керак.

- 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқдик,- деди Марғилон шаҳар ҳокими Илҳомжон Маматов. - Инқирознинг олдини олишнинг энг асосий чораларидан бири бу соғлом ва рақобатбардош ислоҳотлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш эканлигини тўғри англаб олдик.

Дарҳақиқат, бутун дунёда йирик корхоналар инқироз ёқасига келиб қолган бир пайтда шаҳарда ўнлаб ишлаб чиқариш корхонлари, ноозиқ-овқат тайёрлайдиган кичик корхоналар ташкил қилиняпти, иссиқхона, паррандачилик ва асаларичиликни тараққий эттиришга шаҳарликлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишяпти. Сўнгги бир йил ичида фақат чет эл сармояси ҳисобига бунёд этилган "БАРС" ишлаб чиқариш компанияси "Оршах текстиль", "Ал-Саид сано" қўшма корхоналари ишга туширилди. Шу йилнинг иккинчи чорагида эса "Марғилоносиётекст", "Спентекс" қўшма корхоналари фойдаланишга топширилиб, маҳсулотлар дунё тўқимачиларига етказиб берилади.

Маълумки, дунёда эроний гиламларга қизиқиш ва эҳтиёж жуда катта. Бу машҳур гиламларнинг 10 туридан зиёди бугун Марғилонда тайёрланаяпти, десам муболаға деб ўйламанг. "Марғилон қўл гиламчилик" қўшма корхонасига Канада фуқароси Шариф Ғуломмирзо асос солди. Марғилон шаҳридаги нотўқима матолар ишлаб чиқарадиган Алишер Навоий номидаги акционерлик жамияти цехларида бугун ноёб табиий ипаклардан жилоланиб турган гиламлар тайёрланаяпти. Маълумки, бундай гиламлар учун ранг бўёқлар асосан табиий гиёҳлардан тайёрланади. Бундай усулда тайёрланган гиламлар асрлар давомида ҳам ўз ранги ва сифатини йўқотмайди. Чунки бундай маҳсулотга гиламдўз камида бир йил қалб қўри ва меҳрини бахш этади.

*Бугун шаҳарда ана шундай ибратли ишлар амалга ошириляпти. Фақат шу йилнинг биринчи чорагида биз юқорида тилга олган дастурда белгиланган 1620 ўрнига 1855 та иш ўринлари яратилди.*

Айни пайтда корхонада 180 нафардан зиёд қизлар гиламдўзлик билан шуғулланаяпти. Яқин вақтлар ичида уларнинг сафига яна 300 нафар қадимий касб сирларини ўрганиш ниятида бўлган ёшлар қўшилишади. Сармоядор корхонага 500 минг долларлик тўқув дастгоҳларини олиб келиб қўйди. Ҳозир Марғилоннинг эроний гиламларига хориждан буюртмалар тушяпти. Яқин кунлар ичида бу маҳсулотлар Осиё, Африка ва Европа давлатлари пештахталарида пайдо бўлади.

Бугун шаҳарда ана шундай ибратли ишлар амалга ошириляпти. Фақат шу йилнинг биринчи чорагида биз юқорида тилга олган дастурда белгиланган 1620 ўрнига 1855 та иш ўринлари яратилди.

Ана шундай иқтисодий инқирознинг олдини олиш, соғломлаштириш тадбирлари, бунёдкорлик ишларини ҳамоҳанг даражада олиб бораётган корхоналар, жамоалар вилоятда кўпайиб бораётгани қувонарлидир. Қўқон шаҳридаги "Ал-Ҳабиб" корхонасида тайёрланаётган либосларга водийнинг барча шаҳар ва туманларидан буюртмалар келяпти. Ишлаб чиқариш суръатлари бир дақиқа ҳам сусайгани йўқ. Корхона муассиси тадбиркор Зироатхон Абдураҳимова яқинда 110 минг долларлик Хитой янги дастгоҳлари учун шартнома тузди. Демак, яна корхонада 50 нафар хотин-қизлар доимий иш жойига эга бўлади. Бешариқ туманидаги "Бешариқ текстиль" корхонаси эса мамлакатимизда хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларигача шаклланган корхоналардан бири ҳисобланади. Ҳозир бу корхонанинг маҳсулотларига дунёнинг энг нуфузли компаниялари ҳам буюртма беришяпти. Ўз-ўзидан савол туғилади. Агар юртимизда молиявий ва иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш ва камайтириш учун дастурлар тизими ишлаб чиқилмаганида бу корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнлари барқарор ривожланармиди?

Мамлакатимизда рўй бераётган бу жараёнларда ЎзМТДП аъзолари, партия томонидан сайланган депутатлар ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқдалар. Партиянинг вилоят, шаҳар, туман кенгашларида шу долзарб масала юзасидан учрашувлар, анжуманлар, савол-жавоб кечалари ўтказиляпти. Вилоятнинг энг олис Сўх туманининг Чашма ва Ҳушёр қишлоқларида, Бағдод туманининг Мирзаобод, Охунбобоев туманининг Қора қушчи ҳамда Болтакўл қишлоқларида бўлиб ўтган учрашувлар юртимиз аҳолиси ҳам дунёдаги бу жараёнга бефарқ эмаслигини кўрсатди. Яқинда вилоят ФЖЎИ мажлислар залида, ЎзМТДП ҳудудий кенгашлари Ижроия қўмитаси девони ходимлари, партия депутатлар гуруҳи иштирокида Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** китобидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Улуғбек Жалменов, Арслон Эшмуродов, Акрам Жумаев иштирок этдилар. Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлиги, йўл-йўриқлари, кўрсатмалари асосида ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастурини изчиллик билан амалга оширишга ЎзМТДП аъзолари, фаоллари бутун куч-ғайратларини сафарбар этиши лозимлиги таъкидланди.

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ҲУҚУҚ

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида хилма-хил мулк шаклларига асосланган иқтисодий тизим вужудга келиши натижасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш ва уларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

## Шартнома мажбурияти

### адлия идоралари назоратида

**Жаҳонгир СУЛАЙМАНОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

Ҳаммамизга маълумки, бирон бир тадбиркорлик субъекти шартнома тузмасдан туриб, тижорат билан боғлиқ бўлган тадбирларни, келажакдаги тадбиркорлик режаларини, олди-сотди ёки бошқа битимларни амалга оширишини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, шартнома бу фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи шундай бир ҳужжатки, бунда тадбиркорнинг фойда олиш дастурлари, режалари, интилишлари, қизиқиш ва манфаатлари ўз ифодасини топади.

*Шартнома тузишда биринчи навбатда шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, етказиб бериладиган маҳсулотларнинг нархи, муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиблари ва бошқа ҳолатлар назарда тутилганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.*

Шартнома тузишда биринчи навбатда шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, етказиб бериладиган маҳсулотларнинг нархи, муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиблари ва бошқа ҳолатлар назарда тутилганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда адлия идоралари томонидан шартномалар тузилишида ва бажарилиши соҳасида бир қанча ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, адлия идоралари томонидан жорий йил давомида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилишида ҳамда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштиришда фаол қатнашиб, шартномалар тузилиши ва бажарилишида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, республика бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида жами 510 мингдан ортиқ шартномаларнинг тузилишида адлия органлари томонидан зарур ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

2009 йил ҳосилидан пахта хомашёси харид қилиш бўйича 41 минг 773 та, пилла хомашёси етказиб бериш бўйича 23 минг 886 та, минерал ўғитлар ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 100 минг 870 та, техника ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича 50 минг 697 та шартномани Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси ходимлари ҳудудий адлия органлари ходимлари билан биргаликда тузилиши таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, тузилган ҳар қандай шартномалар албатта бажарилиши шарт. Агарда томонлардан бирининг айби билан шартнома бажарилмаган тақдирда, айбдор тараф бунинг учун белгиланган тартибда тегишли жавобгарликка тортилади.

Бу борада ҳам адлия органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2009 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва бошоқли дон харид қилиш бўйича контрактация шартномалари, шунингдек, пиллакашлик корхоналарига пилла хомашёси етказиб бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда бошқа турдаги шартномаларнинг бажарилиш жараёнини назорат ва мониторинг қилиш натижасида 21 минг 840 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф қилиш чоралари кўрилди.

Шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш тўғрисида адлия органлари томонидан 420 та огоҳнома, 455 та тақдимнома, 74 та кўрсатма, 114 та, маъмурий жавобгарликка ва 11 та жиноий жавобгарликка тортиш бўйича таклиф киритилди. Мазкур таъсир чоралари натижасида 22 та қонунчиликка зид бўлган ҳужжатнинг ижроси тўхтатилган ёки бекор қилинган, 444 нафар мансабдор шахс интизомий, 75 нафар мансабдор шахс маъмурий, 3 нафар шахс эса жиноий жавобгарликка тортилди. Шундан 45 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Бундан ташқари 3 млрд. 892 млн. 241 минг сўм пул маблағлари манфаатдор шахсларга тўлаб берилди.

Масалан, Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги "Зирабулоқ пахта заводи" акциядорлик жамиятида муддати ўтган дебитор қарзларни ундириш бўйича чоралар кўрилмаганлиги ҳолати юзасидан жамият раҳбари И.Ғиёсов ҳамда бош ҳисобчи А.Абдураҳмоновни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида вилоят адлия бошқармаси томонидан туман давлат солиқ инспекциясига маъмурий таклиф киритилиб, туман солиқ инспекциясининг 2009 йил 16 февраль кунидаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175-моддаси, 3-қисмига асосан жамият раҳбари И.Ғиёсов ва бош ҳисобчи А.Абдураҳмоновга 280 минг сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва шартнома интизомини суд тартибида мустаҳкамлашга адлия органлари алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хўжалик судларига шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид жами 6 млрд. 504 млн. 702 минг сўмлик 2 минг 51 та даъво аризалари киритилган бўлиб, шундан 1 минг 357 та даъво аризалари 5 млрд. 466 млн. 925 минг сўмга қаноатлантирилди.

Адлия органлари томонидан судларга киритилган ва қаноатлантирилган даъво аризалари бўйича чиқарилган ижро ҳужжатларидан 697 таси ижро қилиниб, 2 млрд. 498 млн. 528 минг сўм маблағлари манфаатдор шахслар ҳисобига ундириб берилди. Масалан, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги "Қуёшбек юлдузи" фермер хўжалиги раҳбари А.Очилов билан "Қизилтепапахтатозалаш" ОАЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ 2008 йил ҳосилидан топширилган 73 тонна пахта хомашёсининг 80 фоизлик тўловлари амалга оширилмаган. Вилоят адлия бошқармаси 2009 йил 19 февралда "Қуёшбек юлдузи" фермер хўжалиги фойдасига топширилган пахта хомашёси учун тўланмаган 6 млн. 622 минг 400 сўм асосий қарз ва 609 минг 270 сўм пеняни ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритган. Ушбу даъво ариза 2008 йил 20 мартда хўжалик суди томонидан қаноатлантирилиб, фермер хўжалиги фойдасига жами 7 млн. 231 минг 670 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, шартнома тарафларнинг ўзаро келишуви ва розилиги билан тузилдими, у бажарилиши шарт. Аксинча бўлганда эса жавобгар тарафнинг белгиланган тартибда тегишли жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

ЖАРАЁН

## Ҳуқуқий асослар мустаҳкам

### сиёсий партиялар тарғибот фаолиятининг ҳуқуқий асослари

***Бугунги кунда демократик ҳуқуқий ривожланиш йўлини танлаган давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партиялар муҳим ўрин эгаллагани ҳамда давлат ва жамият ҳаётида шунингдек, қарорлар қабул қилишдаги ўрни янада салмоқли бўлиб бораётгани сиёсий кучларнинг ҳуқуқий мақомини таҳлил қилишни тақозо этади.***

**Камола ҲАМИДОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

Сиёсий партия – муайян ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакилларини бирлаштирувчи сиёсий ташкилот. Демократик жамиятда сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар бевосита давлат фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлашда иштирок этади, давлатнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда қатнашади.

Партиялар турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг манфаатларини жамиятнинг сиёсий тизимида ифода этиш йўли билан давлат ва жамият ўртасида боғловчилик ва воситачилик функцияларини бажаради. Шу билан бир вақтда улар жамиятнинг яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириш учун керак», деб алоҳида таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамоат бирлашмалари ҳақидаги XIII бобнинг мавжудлиги, унда жамоат бирлашмалари турлари сифатида касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ҳақидаги тегишли моддаларнинг киритилиши Асосий Қонуннинг ҳаётийлигидан, жамиятдаги мавжуд муносабатларни тартибга солишга қаратилганлигидан далолат беради.

Асосий Қонуннинг айнан 56-57 ва 60-моддаларида сиёсий партиялар ҳақида сўз бориб, унинг қонуний асосини белгилаб беради. 56-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади. Конституциянинг 34-моддасида эса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисидаги қоида белгиланган.

Конституция асосида сиёсий партияга оид тегишли қонунчилик тизими шаклланган. Мустақилликка эришганимиздан буён шу кунга қадар сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар жумласига: Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги (1991 й., 15 февраль), "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги (1996 й., 26 декабрь), "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги (1999 йил., 14 апрель), "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги (2004 й., 30 апрель), "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги (2007 й., 3 январь), "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги (2007 й., 11 апрель) Конституциявий Қонунлар киради. Ўз ўрнида шуни айтиш жоизки, сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчилик сиёсий-ижтимоий ҳаёт билан ҳамоҳангликда, яъни партияларнинг ривожи ва фаолиятининг такомиллашувига мос ҳолда мутаносиб равишда шаклланди.

Сиёсий партиялар демократиянинг энг муҳим институти ва фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Демократик жамият сиёсий тизимида сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари алоҳида ўрин тутади. Партиялар фуқаролар билан давлатни боғлаб туриш вазифасини бажарувчи муҳим бўғин ҳисобланар экан демак, партия халқдан ёки давлат ҳокимиятидан устун турадиган ташкилот эмаслигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли. Сиёсий партия давлат билан халқнинг ўртасида воситачи бўлиш билан бир қаторда аҳоли ва жамият сиёсий маданиятини юксалтирувчи куч ҳамдир.

Жорий йил Ўзбекистон Республикаси сиёсий ҳаётида муҳим воқеа — яъни парламентга ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайлов йили эканлиги билан сиёсий партияларга янада катта масъулият юклайди. Сайловларнинг моҳияти фуқароларнинг ўз хоҳиши, иродасини эркин билдириш имкониятидадир, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши эса шу халқ иродасига мослигидадир. Зеро, сайловда сиёсий партиялар томонидан давлат ва жамият ҳаётини янада ривожлантириш борасида бир қатор илғор ғоя ва қарашлар илгари сурилади. Бунда сиёсий партия электорат ўртасида юритадиган тарғибот ва ташвиқот ишлари муҳим ўрин тутади.

*Давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.*

Сиёсий партиялар фаолиятини тарғиб қилишнинг ҳуқуқий асослари мавжудми? Тарғиботнинг сиёсий партиялар фаолиятида аҳамияти қандай? Унинг кўринишлари қандай намоён бўлади? Бу борада сиёсий партиялар нималарга кўпроқ эътибор қаратишлари ҳамда қайси йўналишларни ривожлантиришлари партияга наф келтиради? деган саволларга қуйида жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Сиёсий партиялар тарғибот фаолиятининг ҳуқуқий асослари аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жами 12 та (10, 32, 34, 56, 57, 60, 62, 77, 106, 108, 112, 120) моддасида айнан сиёсий партиялар ҳақидаги қоидалар киритилганлиги, давлат ва жамият тизимида сиёсий партияларнинг ўрни конституцион нормалар орқали аниқ белгилаб қўйилганлигида яққол намоён бўлади. Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчиликнинг конституциявий мақомга эгалиги партиялар фаолияти бўйича бир нечта конституциявий ва ушбу институтни такомиллаштиришга хизмат қилувчи юқорида саналган тегишли қонунларнинг қабул қилинганлиги партияларга ўз фаолиятини кенг тарғиб қилиш имконини беради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддаси "Сиёсий партиялар фаолиятининг кафолатлари" деб номланиб, унда қуйидаги мазмундаги қоидалар мавжуд:

Давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига аралашишлари ёхуд агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

Бу қоидалар сиёсий партиялар ўз фаолиятларини юритишларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб, ўз ўрнида қуйидаги мезон вазифасини ўтовчи қоидани ҳам ўрнатади:

Сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Сиёсий партиялар тарғибот фаолиятининг қандай шаклларда намоён бўлиши ҳақида Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонунининг "Сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари" деб номланган 12-моддасида аниқ йўналишлар белгиланган бўлиб, булар:

- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;
- қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;
- партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Сиёсий партиялар тарғибот фаолиятининг усуллари оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, турли кўринишдаги ва шаклдаги (давра суҳбати, конференция, семинар кабилар) тадбирларни долзарб мавзуларда ташкил этиб, унга нафақат партия аъзоларини, балки электорат вакилларини ҳам жалб қилиш самарали бўлади.

Бундан ташқари, сиёсий партиялар томонидан тарғибот-ташвиқот ишларида ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш даражаси таҳлили шуни кўрсатадики, агар 1999 йилги сайловларда иштирок этган сиёсий партиялардан бирортаси тарғибот ишларида интернет тизимидан фойдаланмаган бўлса, 2004 йилги сайловларда нафақат ҳар бир сиёсий партия, балки уларнинг нашрлари ҳам ўз веб-сайтларига эга бўлган ҳолда иштирок этган. Лекин парламент сайловларидан кейин ўтган даврда айрим партия сайтлари статик ҳолда сақланганлиги, уларга партия ҳаётига дахлдор янгиликлар мунтазам киритиб борилмаганлиги, оқибатда сиёсий партиялар фаолиятига бефарқ бўлмаган фуқаролар эътиборини бирмунча йўқотганлигини айтиш ўринлидир.

Интернет ёрдамида партияни тарғиб қилишнинг афзаллиги шундаки, агар телевидение ёки радио каналида сиёсий партия фаолиятини тушунтирувчи, тарғиб қилувчи кўрсатув ёки эшиттириш маълум вақтда, маълум чегараланган вақт давомида берилишини назарда тутсак, интернет орқали тарғиботда вақтнинг чегараланмаслиги муҳим ўрин тутади. Энг асосийси, партия ўз фаолиятини кенг қамровда тарғиб қилувчи маълумотни ёки унинг жамланмасини ўз вақтида ва самарали равишда ушбу замонавий тармоққа жойлаштириши ҳисобланади.

Сиёсий партия мазмун ва мақсадига кўра, жамият муаммоларини англаб, уни сиёсий йўл билан ҳал қилиш мақсадида инсон манфаати учун хизмат қиладиган ғоя ва қарашларни уйғунлаштиради, давлат бошқарувига кўмаклашади, ошкоралик асосида жамоатчилик назоратини таъминлашда муҳим конституциявий восита вазифасини бажаради.

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

## Тадбиркорлик ҳуқуқи

### тадбиркорларга нафақат тушунтирилмоқда, балки ҳимоя ҳам қилинмоқда

**Эшмат УСМОНОВ,**
**Сергели тумани прокурори катта ёрдамчиси, адлия кичик маслаҳатчиси**

*Мамлакатимизда мустақилликка эришилганидан кейин, айниқса хусусий секторнинг ривожланишига катта имкониятлар яратилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасини ялпи ички маҳсулотдаги улуши тобора ошиб бормоқда.*

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида таъкидланишича, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми 2008 йилда салкам 22 фоизга кўпайган. Энг муҳими нисбатан қисқа муддат ичида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 48,2 фоизгача, хизматлар соҳасининг салмоғи 45,3 фоизгача ўсган.

Яна бир муҳим далил шундан иборатки, айни пайтда мамлакатимиздаги иш билан банд жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқдалар. Фақат 2008 йил мобайнида мамлакатимизда 661 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Унинг 374 мингтаси кичик бизнес, 220 мингтаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига, 97 минг 800 та иш ўрни эса касаначиликни ривожлантириш ҳисобига тўғри келади.

Бундай юқори кўрсаткичларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Унинг биринчи омили энг олий неъмат — мустақилликка эришганимиз бўлса, иккинчи муҳим омили ҳуқуқий имконият ва шароит яратилаётгани, қолаверса ҳукумат томонидан қатор молиявий имтиёзлар берилаётганидир. Масалан, ўтган йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 10 фоиздан 8 фоизга, жорий йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилди. Бундан ташқари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари камайтирилди ва уни ҳисоблаш тартиблари такомиллаштирилди. Кичик ва хусусий бизнесни кучли рағбатлантириш ва ривожлантиришга қаратилган ана шундай омиллар уларнинг ҳам сони, ҳам салмоғини оширишга сабаб бўлди, дейиш мумкин. Масалан, сўнгги ярим йил мобайнида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар кўпайганлиги қайд этилган. Улар 2008 йилда қарийб 3 мингтани ташкил этган.

Бундай ҳолни шубҳасиз пойтахтимизнинг Сергели туманида ҳам кузатиш мумкин. Туманда айни пайтда хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2100 тага яқинлашиб қолди. Шундан 1500 тага яқини микрофирмалар бўлса, кичик корхоналар сони 300 тадан ошди. Айтиш жоизки, туман прокуратураси улар билан мунтазам алоқада бўлади. Туман прокуратураси ҳузурида туман прокурори Қ.Тўйчиев раҳбарлигида Сергели тумани ҳокимлиги, туман солиқ инспекцияси, бандликка бевосита кўмаклашувчи марказ, туман статистика бўлими, ахборот маслаҳат маркази, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, ер ресурслари ва давлат кадастр Тошкент шаҳар бошқармаси ва тижорат банкларидан иборат доимий комиссия тузилган. Комиссия тумандаги хусусий тадбиркорлик субъектлари ва бошқа йирик корхоналарга ҳуқуқий жиҳатдан кўмак беради, улар билан мунтазам юзма-юз мулоқотлар, учрашувлар ўтказилади. Масалан, жорий йил февраль, март ва апрель ойларида тумандаги беш юзга яқин кичик фирма ва хусусий тадбиркорлик соҳаси раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. Бундай юзма-юз мулоқот, учрашув ва давра суҳбатларида уларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар, амалдаги қонунчиликдаги ҳуқуқ ва ваколатлар соҳа мутахассислари томонидан батафсил ва атрофлича тушунтирилади, уларнинг эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилаётган сабаб ва омиллар ўрганилади. Бир сўз билан айтганда, уларга нафақат маслаҳат ёки тушунтириш, балки қонун доирасида амалий кўмак ҳам берилади. Энг муҳими ана шу жараёнда ўртага кўплаб жўяли таклиф ва мулоҳазалар ташланади ва ўрганиб чиқилади. Бу нафақат тадбиркорлар, балки биз учун ҳам ҳар жиҳатдан фойдали бўлмоқда. Ана шундай юзма-юз учрашув ва мулоқотлар туфайли тадбиркорларимизда ўзига ва келажакка нисбатан ишонч пайдо бўлмоқда, дадил фаолият юритмоқдалар. Яна бир жиҳат шундаки, улар эндиликда прокуратурага нафақат қонунлар ижросини назоратчиси, балки ўзларининг кўмакчиси ва маслаҳатдоши сифатида ҳам қарашмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбирокорлар, айниқса Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорини мамнуният билан қарши олдилар. Юзма-юз учрашувлар давомида унинг моҳияти ва аҳамияти хусусида ҳам кўп гапирилмоқда.

Очиқ мулоқотлардан бирида Сергели туманидаги "Полиграф картон" МЧЖ кредит олишда айрим муаммоларга дуч келаётганини билдирди. Туман прокуратураси унинг бу мурожаатини қонун доирасида ўрганиб чиқиб кредит билан таъминланишида амалий жиҳатдан кўмак берди. "Файз" хусусий корхонаси пластик карточкага ўтган 30 фоизлик иш ҳақини бериш чўзилиб кетаётгани ҳақида мурожаат қилди. Қонун доирасида ўрганилгандан кейин хусусий корхонанинг бу мурожаати ижобий ҳал қилинди. Бошқа учрашувларда тадбиркорлардан бири бир банкдан иккинчисига ўтаётганида айрим муаммоларга дуч келаётганини билдирди. Ва бу муаммо ўша жойнинг ўзидаёқ бартараф этилди. Буларга ўхшаш мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Энг муҳими, бугунги кунда туманимиздаги хусусий тадбиркорлик субъектлари билан бевосита алоқа ўрнатишга эришдик ва бу ўзининг самарасини бермоқда.

### КАСБИ-КОР

# Ёшлар ҳунар ўрганишаяпти

*“Ташаббус-2009” Ғаллаорол тумани босқичида нафис санъат мактаби жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этди. Танлов якунида уларга диплом, рағбатлантирувчи мукофот берилди.*

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**



- Биз танловда миллий зардўзлик, ҳунармандчилик, халқ амалий санъати намуналарини намойиш этдик,- дейди мактаб раҳбари Абдуолим Сулаймонов. - Улар иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Ташкил этилганига 30 йилдан ошиқ вақт ўтган бу даргоҳ ўз фаолияти давомида қанчадан-қанча қўли гул чеварларни, касаначиларни, зардўзларни юзага келтирмади, дейсиз. Бугунги кунда туманда касаначилик ривожланган экан, бунда мана шу мактабнинг катта ҳиссаси бор. Айниқса, “Манзура” фирмасининг маҳсулотлари яхшигина шуҳрат қозонди. Ҳозир бу ерда 50 нафардан зиёд шу мактабни тугатган ёш мутахассислар фаолият олиб бормоқдалар. Улар тўй либослари, зардўзлик буюмлари, халқ ҳунармандчилиги намуналарини тайёрлаб элга манзур қилмоқдалар. Буюртмачилардан тушаётган талаблар асосида фирманинг иқтисодий базаси ривожланмоқда. Орттирилган фойда ҳисобига замонавий машина, асбоб-ускуналар харид қилинмоқда. Жамила Тоҳирова раҳбарлик қилаётган зардўзлик фирмаси ҳам шу мактаб фаолиятининг ҳосиласи, десак хато қилмаймиз. Улар 12 кишидан иборат. Бухоро зардўзлари йўналишини давом эттириб, халқимизни зарбоф кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари билан таъминлаб турибдилар. Улар тайёрлаётган буюмлар бозорларни обод қилмоқда, танловларда ғолибликни эгалламоқда.

- Нафис санъат мактаби истиқболда тўлиқ таъмирланиш, унинг имкониятларини ошириш режалаштирилган, - дейди Абдуолим Сулаймонов. - Бу туманимизда ёшларни ўқиш, ўқитиш, касб-ҳунар эгаллашга йўналтириш, уларни иш билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантиришга кенг имконият яратади. Маҳсулотни ўзимиз ишлаб чиқарамиз, ўзимиз савдо ташкилотлари орқали сотамиз, олинган фойда ҳисобига мактаб фаолиятини янада яхшилаймиз. Чет эл инвестициясини киритамиз. Шартномалар тузамиз. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да ҳудудлардаги иш билан банд бўлмаган ёшларни касаначиликка жалб этиш бизнинг асосий мақсадимиз бўлиб турибди. Маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб, иш ўринларини кўпайтиришни ҳам режалаштирганмиз. Мактабни тугаллаб чиқаётган мутахассислар жойларда ўз фирмаларини ташкил этаётгани қувонарли ҳол. Улар имтиёзли кредитлар олиб, корхоналарнинг оёққа туриши, катта фойда олишига имконият яратишмоқда.

### БОЛАЛАР СПОРТИ

*Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бойсундаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби кўзга кўринган спорт масканларидан биридир. Бу ерда айни вақтда 424 нафар ёш спортчи спортнинг миллий кураш, белбоғли кураш, волейбол, футбол, стол тенниси, баскетбол, қўл тўпи, бадиий гимнастика турлари бўйича таҳсил олишяпти. Ёш спортчиларнинг мунтазам шуғулланишлари учун етарли имкониятлар мавжуд. 30 ўринли спортчилар турар жойи, ошхона, тиббий хона, маънавият-маърифат хонаси, шунингдек, спорт тринажёрлари ёшлар ихтиёрида.*

# Намунали спорт мактаби

## бу ерда ёш спортчилар вояга етмоқда

**Алишер РАҲМОНОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Айниқса, гуруҳлараро ва секциялараро ташкиллаштирилган спортнинг миллий кураш тури кишини қувонтиради. Спортнинг бу тури бўйича тажрибали мураббийлар Иброҳим Қаҳҳоров, Абдураҳим Тошматовлар тинимсиз ҳаракатда. Таъкидлаш жоизки, БЎСМнинг ёш спортчиларидан аксарияти туман, вилоят, республика миқёсида бўлиб ўтаётган мусобақаларда фаол қатнашяптилар.

Яқинда 8 март хотин-қизлар куни ҳамда Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий 9-халқаро кураш турнирига бағишланган кураш бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Унда қатнашган хотин-қизлар орасида БЎСМ шуғулланувчиларидан Ф.Раҳимова, Н.Раҳимова, З.Сориева, И.Жўрақулова, Р.Худойқулова, Р.Бўриева, Г.Рамазонова ва бошқалар биринчи ва фахрли ўринларга сазовор бўлишди. Вилоят босқичида эса Ф.Раҳимова ўз вазн тоифаси бўйича биринчи ўринни эгаллади. БЎСМ “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти, туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, туман ҳокимлиги билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйган.

Жорий йилда БЎСМнинг 164 нафар ёшлари “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасининг вилоят босқичига йўлланма олдилар. Натижада, 5-7 синф ўқувчилари вилоят босқичида спортнинг волейбол ва стол тенниси тури бўйича биринчи ўринни, миллий кураш бўйича 2-ўринни, баскетбол бўйича 3-ўринни эгалладилар.

Шуни айтиш жоизки, Сирдарё вилоятида бўлиб ўтадиган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасининг республика босқичида қатнашишга муваффақ бўлган БЎСМнинг ёш спортчилари пайтдан унумли фойдаланиб мусобақаларга пухта ҳозирлик кўришмоқда.

— Ўқувчиларимиз учун қўлдан келганча шарт-шароит ва имкониятларни яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Уларга ҳар қанча ғамхўрлик қилсак арзийди. Вояга етаётган ҳар бир спортчимизни нафақат мактабимиз, балки мамлакатимиз фахрига айланишини истардик, - дейди туман БЎСМ директори Иззатулло Каримов.

### БАРКАМОЛ АВЛОД

# Таълимга эътибор — келажакка эътибор

*Мамлакатимиздаги бугунги ёшлар замон талабларига мос равишда таълим-тарбия олаяпти. Улар учун барча имкониятлар яратилган, малакали мутахассислар томонидан билим ва касб-ҳунар сирлари ўргатилаяпти. Бу уларнинг мустақил юртнинг муносиб фарзандлари бўлиб вояга етишишида катта аҳамият касб этади.*

**Шерзод ҚУРБОНОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Бугунги кунда Қамаши туман халқ таълими бўлими тасарруфида 85 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд. Шундан биттаси ихтисослашган, 17 таси мактабгача, 4 таси эса мактабдан ташқари таълим муассасасаси ҳисобланади. Муассасаларда тарбияланаётган жами 45081 нафар ўқувчи-ёшларга 4488 нафар малакали педагог сабоқ бериб келмоқда.

- Ҳар бир дарс жараёни мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида туман методика кабинети томонидан дастурлар, иш режалари, ДТС дарс ишланмалари ва керакли методик қўлланмалар экспериментатор ўқитувчиларга етказиб берилган, - дейди туман ХТБ мудири Абдуғаффор Эшмуродов. - Шу билан бирга умумтаълим мактабларидаги ўқитувчилар сифат таркибини яхшилаш борасида қилинаётган амалий ишлар ўз ўрнида ёшларимизни тўла билим олишлари учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Ўқувчи-ёшларни билимли, ақл-заковатли, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бир қаторда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайта тиклаш, эъзозлаш ва асраб-авайлашларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда айниқса Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

- Ёшлар ўртасида миллий спортимизнинг кўплаб турлари бўйича беллашувлар ва спартакиадалар ҳам ўтказиб турамиз,- дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси етакчи мутахассиси, ЎзМТДП Қамаши туман Ижроия қўмитаси раиси Абдувайит Холиқов. - Мусобақаларни ташкиллаштиришда туман Маданият ва спорт ишлари бўлими, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти, Табиатни муҳофаза қилиш ҳамда туман хотин-қизлар кенгаши бизга яқиндан кўмак бериб келишмоқда.

Туманда спортчи ёшларга қаратилаётган эътибор туфайли улар спортнинг кўпгина турлари бўйича вилоят, республика, қолаверса, жаҳон спорт майдонларида куч синашиб ватанимиз шаънини ҳимоя қилиб кўплаб ютуқларни қўлга киритиб қайтишмоқда.

## ТАЪЛИМ

### МИЛЛИЙ ДАСТУР — МИЛЛАТ ҚАНОТИ

**Ориф Холиқулов,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

*Ёшлик — яратганнинг инсонга берган энг олий инъоми. Шу боис, уни олтинга қиёслашади. У бунёдкорлик, яратувчанлик, ғайрат ва шижоат фасли. Ёшликда олинган билим ва ҳунар тошга ўйилган нақш, дейди доно халқимиз. Бугун мамлакатимиз ёшлари учун яратилаётган кенг имкониятлар, уларга қилинаётган ғамхўрликлар замирида халқимизнинг доно ўгитлари ётган бўлса, не ажаб. Каттақўрғон тиббиёт коллежида ҳам ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Бугун коллежда 1200 нафар талаба қунт билан касб-ҳунар ўрганмоқда.*

# Ўқувчиларга яратилган қулайлик

## уларнинг онгу дунёқараши ўзгаришида муҳим ўрин тутмоқда



— Коллежимизда 158 нафар фан ўқитувчиси ўқувчиларга малакали билим бериб келмоқда,- дейди коллеж директори Ҳикматулло Шукуров. - 7 нафар бўлим мудири, 12 нафар кафедра мудирлари малака тоифасига қўйилган талаблар асосида ўқув-услубий изланишлар олиб боришаётир. Коллежда Япониянинг “Жайка” фирмаси ҳисобидан 100 дан ортиқ номда тиббий асбоб-ускуналар олинган. “Ҳамширалик иши”, “Стоматология иши”, “Акушерлик иши”, “Фармация иши” йўналишлари бўйича ўқув хоналари тўлиқ жиҳозланган. Коллежда 3 та компьютер синфи мавжуд бўлиб маънавият-маърифат маркази ўз ишини жамоат ташкилотлари, ахборот-ресурс маркази, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси, хотин-қизлар қўмитаси, жисмоний тарбия ва спорт бўлими, ётоқхона тарбиячилари ва кафедра билан ҳамкорликда олиб боради.

Маънавий-маърифий тадбирлар натижасида ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида, танлаган соҳаларида қатъиятли, миллий урф-одатларимизга ҳурмат нуқтаи назари билан тарбиялашга эришилмоқда. Ёшларнинг маънавий қиёфасини мустақиллик мафкураси асосида шакллантиришга асосий эътибор қаратилган. Шу боис коллежда “Мустақиллик куни”, “Билимлар куни”, “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни”, “Тил байрами”, “Мустақиллигимиз бизнинг бойлигимиз, шону-шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир”, “Сизга таъзим устозлар”, “Тил-дил кўзгуси”, “Сўз, сўзлашиш қоидаси, ўйлаб гапириш ҳақида”, “Гиёҳвандлик ва ОИТС аср вабоси”, “Оғусиз ҳаёт сари”, “Диний экстремизм, ақидапарстлик ва терроризмга қаршимиз” мавзуларида очиқ мулоқотлар Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур таваллудларига бағишланган адабий-бадиий кечалар, “Миллий ғоя, мустақиллик ва раҳбар масъулияти” мавзуларида тарбиявий соатлар ва учрашувларда “Одам савдосига қарши кураш ва ноқонуний четга чиқишнинг хатарлари”, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”га бағишлаб “Завқланаман Ватан шуҳратинг-шонинг кўриб” мавзуларида давра суҳбатлари, анжуманлар ўтказилади. “Очиқ эшиклар куни”, “Касблар фестивали”, “Ёшларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлишига замин яратмоқда”, “Сиз қонунни биларсизми?”, “Конституция бахтимиз пойдевори”, “Шунқорлар”, “Энг иқтидорли ёш истеъмолчи” кўрик-танловларида коллеж жамоаси фаол иштирок этади. “Сиз қонунни билансизми?” кўрик-танловининг вилоят босқичида 3-, “Конституция бахтимиз пойдевори”, “Энг иқтидорли ёш истеъмолчи” кўрик-танловининг шаҳар босқичида ҳамда “Келажак овози” мега-танловининг вилоят босқичида 1- ўринларни эгаллашди. Коллежда ўқувчиларни оммавий спортга жалб этиш, жисмоний тайёргарлик даражасини юксалтириш мақсадида 11 та спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Уларга 1000 дан ортиқ ўқувчилар жалб этилган. “Камолот” ЁИҲ, “Касаба уюшмаси” ташкилоти, “Директор” кубоклари учун спортнинг футбол, шахмат-шашка турлари бўйича мунтазам мусобақалар ташкил қилинган. “Армрестлинг” терма жамоаси республика биринчилигида иштирок этиб, 3 та олтин, 4 та кумуш, 4 та бронза медалини қўлга киритди. Республика босқичида эса фахрли 2-ўринни эгаллашди. Коллежнинг 224-гуруҳ талабаси Муниса Рўзиева “Энг яхши спортчи” дея эътироф этилди. Коллежда билим ва малакаси етарли, жисмонан соғлом ўқувчиларнинг тарбияланаётганлиги қувонарлидир.

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.




Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли islоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб борамаан десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68
Андижон (3742) 22-29-89
Бухоро (3652) 25-47-49
Жиззах (3722) 22-40-01
Қашқадарё (3752) 25-40-27
Навоий (4362) 23-26-86
Наманган (3692) 26-29-80
Самарқанд (3662) 34-22-53
Сирдарё (3672) 25-47-70
Сурхондарё (3762) 27-49-03
Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Фарғона (3732) 24-29-22
Хоразм (3622) 26-63-75
Компания бўлими 234-85-99

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳзод ИСКАНДАР

# Одамлар тўлқини

## ёки демографик муаммолар кескин тус олмоқда

*Агар 1804 йилда сайёрамиз аҳолиси 1 миллиардга етган бўлса, 2 миллиард учун 123 йил, 3 миллиард учун эса 33 йил керак бўлди, 4 миллиард ҳам узоқ куттирмади: орадан 14 йил ўтиб бу "чўққи" ҳам забт этилди. Дунё афкор оммаси орадан 13 йил ўтиб 5 миллиардни ташкил этди, 6 миллиардга етиш янада қисқарди – 11 йил. Дунё аҳолисининг рекорд даражада йиллик ўсиши 1980-йилларда кузатилганди. Ўшанда ўртача кўпайиш 87 миллионга етган. 1950-1998 йилларда дунё аҳолисининг ҳар учтадан икки нафари Осиё ҳиссасига тўғри келганди (56 дан 61 фоизга ўсган). Бу борада 2-ўринни 9 фоиздан 13 фоизга юқорилаган Африка минтақаси эгаллади.*



Ҳозир сайёрамиз аҳолиси қарийб 7 миллиардга яқинлашмоқда. Агар бугунги шиддат шу тарзда давом этса, 2050 йилга бориб она замин одамлари 10,2 миллиардга етиши кутилмоқда. БМТ мутахассисларининг фикрича, туғилиш ва ўлим, аҳоли миграцияси демографиянинг асосий белгиларидан саналади. Ҳозир ривожланган мамлакатларда туғилиш кўрсаткичи бироз паст, аммо умр кўриш давомийлиги юқори бўлиб турибди, шу боис уларда муҳожирлар ҳисобига демографик мувозанатни ушлаб туриш имкони мавжуд.

Сайёрамизда аҳоли сонининг ўсиши бир нечта салбий факторларни келтириб чиқарди. Хусусан, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, одамлар турмуш даражасининг пасайиши, ички этник ва миллатлараро зиддиятларнинг кучайиши ва табиий ресурслар учун курашнинг авж олиши каби муаммолар шулар жумласидан. Олимларнинг фикрига қараганда, яқин ярим асрда сайёра аҳолиси қарийб 2 баробарга ортишини ҳисобга олсак, мавжуд демографик муаммолар янада кучайиши мумкин.

БМТ вакиллари 2050 йилга бориб Италия, Япония ва Россия каби давлатларда аҳоли сони қисқариши, Буюк Британияда эса мавжуд аҳолининг ҳозирги даражаси сақланиб қолишини айтишмоқда. Бундан фарқли ўлароқ, аҳоли сони Мали, Саудия Арабистони ва Нигерияда 3 баробар, Миср ва Кенияда эса 2 баробарга ўсиши мумкин. Шундай қилиб, яна 40 йилдан сўнг ривожланган давлатлар аҳолиси қисқарса (1,8 миллиарддан 1,16 миллиард одамга), ривожланаётган мамлакатларда эса аксинча – аҳоли сони ривожланиши (4,75 миллиарддан 8,2 миллиардгача) кутилмоқда.

Ҳозир дунёда ҳар сонияда 21 нафар чақалоқ туғилиб, 18 нафар одам вафот этмоқда. Бу орқали курраи замин аҳолиси ҳар ҳафтада 250 минг кишига кўпаймоқда. Мазкур кўрсаткичнинг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқдаки, буни мутахассислар демографиянинг ҳақиқий портлаши сифатида баҳолашмоқда. Ахир узлуксиз ўсиш қўшимча озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш ва бебаҳо энергияни янада кўпроқ истеъмол қилишни талаб этади.

Демография деганда, кўз олдимизга Хитой келади. Улкан аҳоли – Чиннинг энг катта муаммоси. Хитойда демографикислоҳотларнинг зарурлиги ҳақида 70-йилларнинг 1-ярмида жиддий ўйлана бошланган. Ўшанда пухта ўйланмаган, ҳар соҳада биринчи бўлиш васвасаси билан Мао Цзэдунга тегишли "Одамлар тўлқини" концепциясининг тарғиботи аҳоли сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлганди. Бор-йўғи 10 йилда (1964-1974) Хитой аҳолиси 700 миллиондан 900 миллионга етди. Расмий маълумотларга кўра, ҳозир бу юртда қарийб 1 миллиард 300 миллиондан зиёд одамлар (сайёра аҳолисининг 22 фоизи) яшайди. Кузатувчилар бу кўрсаткич келаси йилда 1,4, 2030 йилда эса 1,6 миллиардга етишини башорат қилишмоқда. Аммо Хитой ҳукумати бу орқали ҳам ўзини ёки жаҳон ҳамжамиятини қўрқитмоқчи эмаслигини таъкидлаган.

Хитой бир неча йиллардан буён "Бир оилага — бир бола" сиёсатини олиб бормоқда. Режалаштириш қоидасига кўра, оилада фақат бир нафар бола ўстирилади.

Демография муаммоси Хитойнинг ён қўшниси – Ҳиндистонга ҳам анча йиллардан буён бошоғриқ бўлиб келмоқда. Аҳоли сони қарийб 1 миллиард 200 миллионга етган Бхарат (ҳиндлар ўз мамлакатларини шундай деб аташади) иқтисодий ривожланиш бўйича дунёнинг кучли 10 талигига кирганига қарамай, жаҳондаги энг қашшоқ мамлакатлардан бири бўлиб қолаётир. Ҳинд иқтисоди чиндан ҳам катта муваффақиятларга эришди, аммо буларнинг барчаси тинимсиз ўсиб бораётган аҳоли соясида қолиб кетмоқда. Ўз навбатида мамлакатнинг таниқли сиёсатчиси Раджив Ганди "Биз учун энг хавфлиси бу – Хитой ёки Покистоннинг атом бомбаси эмас, балки туғилиш бомбасидир", - дея бежиз айтмаганди.

1951 йилдан мамлакатнинг биринчи бош вазири Жавоҳарлал Неру "Оилани режалаштириш" дастурини бошлади. Кейинчалик бу ишни Неруниг қизи, 1966 йилда бош вазирлик лавозимини эгаллаган Индира Ганди давом эттирди. Аммо туғилишни йилига ҳар мингта одамга нисбатан 35 дан 32 нафарга қисқартириш сиёсати ҳам ўз натижасини бермади. Ниҳоят, 1980 йилга келиб Ҳинд ҳукумати 2000 йилга мўлжалланган янги дастурни қабул қилди. Унга кўра, оилалардаги болалар сонини 4,4 дан 2,3 нафарга, туғилишни эса йилига ҳар мингта одамга нисбатан 33 дан 21 нафарга қисқартириш чоралари кўрилди. Бироқ гувоҳ бўлганингиздек, Ҳиндистон аҳолиси ўсишда давом этмоқда.

Европа Иттифоқида демографик муаммолар Хитой ва Ҳиндистондан тамомила фарқ қилади. Бу ерда ҳар оилада 1 ёки 2 нафар фарзанд мавжуд, аммо кекса аҳоли кўпчиликни ташкил этади. Умуман минтақада аҳоли сони тез қариётган давлатлар орасида Германия, Италия ва Швеция яққол пешқадам. Мутахассисларнинг фикрича 2050 йилга бориб ЕИ аҳолисининг ҳар беш нафардан биттаси 60-85 ёшларни ташкил этса, бу ҳолат мамлакатлардаги ишлаб чиқариш тармоқларига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳозирги пайтда дунёда табиий ресурслар чекланганлиги жуда кўпчиликни ташвишга солмоқда. Энергетика ва чучук сув заҳиралари тез тугаб бораётганлиги, чўлланиш кучайиб, экологик вазият таранглашаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундан ташқари дунёнинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида турли юқумли касалликларни тарқалаётганлиги ҳам ҳозирги муаммоларни кучайишига сабаб бўлмоқда. Боз устига бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз инсониятнинг келажагига дахл қилаётган юқоридаги муаммолар ечимини ўн йиллар ортга суриб юборди. Ана шундай табиий ресурслар чекланган ва муаммолар кескин тус олган бир шароитда аҳоли сонини бетартиб ўсиши янгидан-янги муаммоларни ва қийинчиликларни туғдирмоқда.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда Африка ва Осиёнинг бир қатор давлатларида аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги, бу жараён давлат томонидан тартибга солинмаганлиги, медицина хизмати ривожланмаганлиги, айрим ҳолатларда эса мутлақо йўқлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тоза ичимлик сувини етишмаслиги кучли демографик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ана шу саволларга кўра ушбу минтақалардан Европа ва Шимолий Америкага йўл олган ноқонуний муҳожирлар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Умуман глобал иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммолар кучайган ҳозирги пайтда аҳоли сонини бетартиб ва тез суръатлар билан ўсиши демографик мувозанатни бутунлай бузиб юбориши ва натижада мавжуд инқирозли ҳолатлар янада кўпайиши мумкин дейишмоқда, мутахассислар. Оилани режалаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш — демографик муаммоларни ҳал этишда энг оқилона йўл эканлигини БМТ экспертлари алоҳида таъкидлашмоқда.

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Компьютер савдоси "чаққон"

***Россияда компьютер савдоси 2 баробарга камайган.***



2009 йилнинг I-чорагида Россияда 1,2 миллион дона компьютер сотилган. "Коммерсант" газетасининг ёзишича, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 46,8 фоиз кам демакдир. Шахсий фойдаланувчилар эса ўтган 3 ойда 313,8 минг (2008 йилга қараганда 39,2 % кам)та компьютер сотиб олган. Мамлакатда компьютер турлари орасида "HP"га эҳтиёж 73, "Asus" 70,5, "Formoza" 51,6 фоизга тушиб кетган. Шунга қарамай, бу ерда "Sony" компьютерлари савдоси ойдан-ойга ошаётгани кузатилмоқда. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Россия бозорларида "Acer" номли техника энг харидоргир маҳсулот бўлиб турибди. Бу компьютер 2009 йилнинг I-чорагида 17 фоизга кўтарилган.

## Ишсизлар сони 20 миллион

***Европа Иттифоқида 20 миллион нафар ишсизлар рўйхатга олинган.***



"Eurostars" тарқатган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг мартида ЕИда ишсизлик 8,3 фоизга ўсиб, 27 давлатда умумий кўрсаткич 20,154 миллион нафарни ташкил этган. Энг кўп ишсизлик Испания (17,4), Латвия (16,1) ва Литва (15,5)да қайд этилган. энг кам ишидан айрилганлар Нидерландияда – 2,8 фоиз. Эслатиб ўтамиз, жаҳон бўйлаб глобал молиявий-иқтисодий инқироз юз бериши ишсизликни кўпайишига олиб келмоқда.

## Жиддий чоралар зарур

***Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга кўра, сайёрамизда H1N1 янги вирусни юқтирганлар сони 900 нафардан ошган.***



Инфекция 19 давлатда рўйхатга олинган. Одамлар орасига тарқалган янги штамм 20 нафар одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Касаллик маркази саналган Мексикада мутахассислар 506 нафар фуқаронинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қилишмоқда.

"Чўчқа гриппи"дан заҳарланганлар АҚШда 226, Канадада 85, Испанияда 40, Буюк Британияда 15, Германияда 8, Янги Зеландияда 4, Исроилда 3 нафарни ташкил этган. Бундай кўрсаткичлар Европанинг бошқа давлатларида ҳам қайд этилган. БССТ айрим давлатлар ўртасидаги чегараларни вақтинча ёпиш ва фуқароларнинг бошқа мамлакатларга ўтишини таъқиқлаш каби таклифлар орқали муаммони бартараф этиб бўлмаслигини таъкидлаган. Ташкилот вакилларининг фикрича, янги касалликни енгиб ўтиш одамларнинг ўз қўлларида. Башарти, пассажирлар аҳволлари ёмонлашганини сезгач, дарров шифокорларга мурожаат қилишлари лозим, қолаверса, туристлар ҳам сайёҳликни бирмунча қисқартиришлари керак.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

# Ўзга юртнинг келинлари

## ёки дунё халқларининг тўй маросимлари



*Сайёрамиздаги ҳар бир қиз келажакда энг чиройли келин ҳамда албатта бахтли бўлишни орзу қилади. Турли миллат вакилларининг орзуси ягона бўлса-да, тўй-маросимлари ҳар бир халқда ўзгача нишонланади.*

Инсон ҳаётидаги ҳаяжонли дақиқаларни айнан никоҳ тўйида бошидан кечиради десак адашмаймиз. Негаки, бутун эътибор, энг чиройли тилаклар — ҳаммаси келин-куёвга қаратилган бўлади.

Дунё халқлари ўз қадрияти ва анаъналарига кўра тўй маросимини ўтказади. Келинг, яхшиси, сизларни тўй маросимларидаги энг қизиқарли урф-одатлар билан таништирсак.

Тунисда никоҳ маросими етти кун давом этиб, келин-куёв алоҳида ўз яқинлари билан ушбу тантанани нишонлашади. Мана шу етти кун ичида етти хил маросим бўлиб ўтади. Шулардан бири келиннинг қўлини хино билан бўяш бўлиб, у омад рамзи ҳисобланади ҳамда сеҳр-жодудан асрайди. Ҳарқалай тунисликлар шунга қаттиқ ишонишади. Келин уйидан кетаётганида отаси уни ҳовли атрофидан айлантиради, онаси эса шаъм ёқиб қизининг йўлини ёритади. Байрамда миллий таомлар тайёрланиб меҳмонларга тортиқ қилинади.



Таиландда тўй маросимлар гўзал табиат қучоғи ва жуда чиройли гуллар билан безатилган кошонада ўтказилади. Эрта тонгда миллий куй билан тўй тараддуди бошланиб, келин-куёв ибодатхонага йўл олади. Тўй маросимида иштирок этаётган энг кекса киши деярли гулчамбарлар билан кўмиб ташланган келин-куёвнинг қўлига сув текказади-да уларни "эр-хотин" деб эълон қилади. Таиландликлар никоҳ тўйларини асосан август ойи (улар учун энг мақбул ой)да ўтказишади.

Қадимги римлик келинлар фатаси остида бир қучоқ гулни ушлаб юришган. Никоҳ маросими ўтказиладиган ибодатхона эшикларига ипак тасма бойлаб қўйилиб, келин-куёв устидан апелсин гули ва атиргул барглари сочилган. Италияда апелсин гули — бахт, атиргул эса муҳаббат рамзи ҳисобланиб, бу анъана ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Япония келинлари тўй куни меҳмонларга уч хил либосда кўриниш бериши одатга айланган. Аввалига улар миллий кийим бўлган оқ кимоно, кейин қизил, ана ундан сўнг европача тўй либосини кийишади. Кимоно кийган келинлар японларнинг миллий анъанаси бўлган "чой маросими"да ўз маҳоратларини кўрсатиши лозим.

Венгрияда бутун қишлоқ тўй маросимида иштирок этади. Қишлоқ аҳли келинни куёвнинг уйига кузатиб қўйишади. Венгриялик куёв келинга танга солинган халтача совға қилади, келин эса еттита рўмолчани тақдим этади. Шунингдек, венгриялик келинларнинг тўй куни "танга рақсини" ижро этиши ҳам анъанага айланган.

Кенияда келинлар қўлини тўрт хил бўёқда миллий нақшлар билан безаш одат тусига кирган. Бу бўёқ бир йил давомида ўчиб кетмас экан. Айтишларича, қора-қизил рангдаги бўёқ "келинлик" рамзини билдиради.

Германияда келин кўйлагига албатта чўнтак тикиб, унга бир бўлак нон ва туз солиб қўйишаркан. Куёвнинг чўнтагида эса бир ҳовуч буғдой бўлиб — у бойлик, омад ва бахт рамзи ҳисобланади. Шунингдек, тўй куни келин-куёвнинг яқинлари остонада идиш-товоқни синдиришади. Айтишларича, синиқ бўлаклар қанча кўп бўлса, бахтли онлар шунча кўп бўларкан.

Норвегияда келин-куёв тўй куни эшик рўпарасига иккита арча экиши узоқ йиллардан буён урф бўлиб келмоқда. Келин тўй маросимида ҳар бир меҳмонга бир бўлак пишлоқ кесиб беради. Меҳмонлар пишлоқнинг кесилганига қараб келиннинг ақл-фаросати ва уй юмушини эплашига баҳо беришаркан.

Бельгияда йигит қизни қўлини сўраб борганида, унинг деразаси тагига қайин дарахтини экаркан. Қиз турмушга чиқишга рози бўлса, йигитни ширинлик билан меҳмон қилади. Бельгиялик қизлар тўйга тараддуд кўраётганида рўмолчага исмини тикиб қутичага солиб қўяди. Тўй куни келин рўмолчани куёвга совға қилади.

Ҳиндистонда ҳам тўй маросими жуда чиройли ва ўзгача ўтади. Тўй охирида келиннинг акаси келин-куёвнинг устидан гул баргларини сочиши одат тусига кирган. Бу билан у ёш оиладан ёмонликни қайтарган ҳисобланади.

Никабар оролларида эса агар йигит уйланмоқчи бўлса қизнинг уйида олти ой ёки бир йил давомида "қулчилик" қилиб, нима хизмат бўлса шуни бажараркан. Бу вақт ичида қиз йигитга турмушга чиқиш ёки чиқмаслигини ҳал қилади. Тўй куни келин-куёв ҳар хил гул ва ўсимликлардан тўқилган либосни кийиб, марвариддан гулчамбар тақиб юриши лозим экан.

Жанубий Африка Республикасида ёшлар бахтли бўлиши учун ота-она уйидан олов олиб келиб келин-куёв уйида ёқиши анъанага айланган. Келин-куёв эса ҳар хил чиғаноқ ва гулларни тақиб, дўмбира остида рақсга тушади ҳамда супурги устидан сакраб ўтади. Бу оилавий ҳаётнинг илк қадамларини билдираркан. Тўй маросимида ёввойи ҳайвон гўштидан (зебра, антилопа, тимсоҳ) тайёрланган "омайова" миллий таоми пиширилади.

Бедуинлар тўйни чўлда, миллий мусиқа садоси остида ўтказишади. Улар учун тўй маросимида туя гўштидан таом тайёрлаш энг муҳим анъана ҳисобланади. Балиқ қиймаси, қўй гўштига ўраб қовурилган товуқни туя гўштига ўраб қовурган ҳолда тайёрланган таомлар дастурхонга тортилади.

Голландияда тўй маросимидаги дастурхонда албатта "келин қанди" номли ширинлик ҳамда "келиннинг кўз ёшлари" номли ичимлик қўйилиши одат тусига кирган. Шунингдек, тўй куни куёв келиннинг елкасига рўмол ёпиб уни кумуш тўғноғич билан қадаб қўяди.

Греция келинлари қўлқопчасида бир бўлак қанд олиб юраркан. Шунда уларнинг муҳаббати ва ҳаёти шу қантдек ширин бўлади, дейишади. Грекларда қизга сарпо йиғиш одати ҳанузгача сақланиб қолган. Бундан ташқари оталар ҳар бир қизи учун уй қуриб бериши ҳам лозим экан. Тўй маросимида келин-куёв никоҳ узугини чап қўлига таққанидан сўнг уларнинг бошига зайтун баргидан тож кийдиришади.

